

Доғистонда динлараро мулоқот қилиш учун энг йирик марказ қурилади



13:30 / 26.07.2021 1784

Доғистон Республикаси муфтиси ўринбосари Аҳмад Нодир Беговнинг сўзларига кўра, динлараро мулоқотни ривожлантириш учун республикада йирик маданий ва маънавий марказ қурилади. Бу ҳақда спутник агентлиги хабар берди.

Беговнинг таъкидлашича, ушбу марказ турли динларнинг мулоқоти ва ўзаро алоқалар масканига айланади.

Доғистоннинг марказий Мохач қалъасида 20 гектар майдонда қуриладиган ушбу марказ таркибига барча қулайликларга эга бўлган масжид, ер ости автотураргоҳлари, текис ва равон кўчалар, шунингдек музей, ислом маркази ва мактаб қурилади.

Доғистон Республикаси муфтийси муовинининг таъкидлашича, динлар мулоқоти марказининг музейида турли миллатларнинг маданияти намойиш этилади Унда Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Ислом тарихи билан боғлиқ ёдгорликлар мавжуд. Хусусан, улар орасида Мадина шаҳридаги Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг масжидлари меъморчилигига тақлид қилиб қурилган уйлариининг ҳақиқий макети бўлади.

Тахминан 50 минг кишига мўлжалланган марказий масжид Европадаги энг катта масжид бўлади.

Хуршид Маъруф тайёрлади